

ЎЗБЕКИСТОН — АҚШ: СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИКНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ МАСАЛАЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев АҚШ Президентининг Жанубий ва Марказий Осиё бўйича махсус вакили Сержио Гор бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.



Учрашувда АҚШ Давлат котибининг ўринбосари Кристофер Лауда ва бошқа расмий шахслар ҳам иштирок этди.

Ўзбекистон — АҚШ стратегик шериклик муносабатларининг жорий йил 23 сентябрь куни Нью-Йорк шаҳрида олий даражада эришилган келишувларни амалга ошириш доирасида янада ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди.

Учрашув аввалида Сержио Гор давлатимиз раҳбарига АҚШ Президенти Дональд Трампнинг саломи ва самийий тилаklarини етказди.

Жадал сиёсий мулоқот, тури даражалардаги алмашинувлар ва фаол ишбилармонлик алоқалари йўлга қўйилгани мамнуният билан қайд этилди. Товар айирбошлаш ҳамми ортмоқда, октябрь ойи бошида АҚШ Савдо палатаси делегациясининг ташрифи муваффақиятли ўтди.

Қабул қилинган “йўл харитаси” асосида саноат, молия, муҳим минераллар, энергетика, рақамлаштириш, қишлоқ хўжалиги ва бошқа устувор йўналишлардаги лойиҳаларни илгари суриш долзарблиги таъкидланди.

Томонлар хавфсизлик, терроризм ва экстремизм, ноқонуний миграцияга қарши курашиш соҳаларида шерикликини мустаҳкамлаш масалаларини ҳам муҳокама қилдилар.

Глобал ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Бўлажак тadbирлар режаси, шу жумладан, келгуси ҳафта Вашингтон шаҳрида “C5+1” форматидagi саммитни ўтказиш масалалари кўриб чиқилди.

ЎЗА

СЕРБИЯ ПРЕЗИДЕНТИ РАСМИЙ ТАШРИФ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОНДА БЎЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Сербия Республикаси Президенти Александар Вучич 28-31 октябрь кунлари расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлади.

Ташриф дастурига мувофиқ, Тошкент шаҳрида олий даражадаги музокаралар ўтказилади, уларда Ўзбекистон — Сербия кўп қирralи ҳамкорлигини янада ривожлантиришнинг истиқболлари муҳокама қилинади.

Машинасозлик, агросаноат, фармацевтика, ахборот технологиялари, рақамлаштириш, туризм ва бошқа муҳим йўналишларда шерикликини мустаҳкамлаш масалалари диққат марказида бўлади.

Тартибли меҳнат миграцияси, маданий-гуманитар ва таълим

соҳаларидаги ҳамкорликнинг жорий ҳолати ва истиқболлари кўриб чиқилади. Халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилади.

Музокаралар якунида икки томонлама битимлар тўпламини имзолаш кўзда тутилган.

Александар Вучич фахрий меҳмон сифатида шу ҳафта Самарқанд шаҳрида бошланган ЮНЕСКО Бош конференциясининг 43-сессиясида ҳам иштирок этади.

ЎЗА

ГЕОЛОГИЯ СОҲАСИ ИЛҒОР ХАЛҚАРО ТАЖРИБАЛАР АСОСИДА РИВОЖЛАНТИРИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев геология соҳасига илғор халқаро тажриба ва компетенцияларни жорий этиш юзасидан тақдимот билан танишди.

Йиғилишда мамлакатимиз геология тизимини замонавий илмий ва технологик асосда ривожлантириш, қазилма бойликлар бўйича ресурс базасини кенгайтириш ҳамда минерал хомашёни чуқур қайта ишлашни таъминлаш долзарб вазифа экани таъкидланди.

Дунё тажрибаси геология-қидирув ишларини ўтказиш мураккаб бўлган ҳудудларда ҳам сунъий интеллект ёрдамида янги конларни аниқлаш мумкинлигини кўрсатяпти. Бу борада регионал тадқиқотларни кенгайтириш ва замонавий геофизик усуллардан фойдаланиш қўл келади.

Шу мақсадда мутасаддилар халқаро ҳамкорлар, шу жумладан, кон-геология соҳасида дунёда илғор бўлган АҚШнинг Колорадо кончилик мактаби билан биргаликда илмий тадқиқот ва амалий ишланмаларни бирлаштирувчи замонавий

Компетенциялар марказини ташкил этиш лойиҳаси тўғрисида ахборот берди.

Марказнинг асосий вазифалари қидирув ишларига рақамли ечимлар, сунъий интеллект ва аэро-геофизик технологияларни жорий этишдан иборат бўлади. Илғор хорижий тажрибага асосланиб, маълумотларни рақамли шаклда таҳлил қилиш, геокимёвий ва космогеологик тадқиқотлар натижаларини интеграциялаш ҳамда истиқболли конларни аниқлашни тезлаштиришга хизмат қилади.

Давлатимиз раҳбари таклифларни маъқуллаб, тармоқда халқаро ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш ва замонавий технологияларни кенг жорий этиш орқали истиқболли майдонларни аниқлаш ва ўзлаштиришни ташкил этиш юзасидан қатор топшириқлар берди.

ЎЗА

МАКРОИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАР ВА ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ПАРАМЕТРЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

27 октябрь куни Президент Шавкат Мирзиёев ҳузурида бўлиб ўтган кенгайтирилган йиғилишда жорий йилда иқтисодиётда қўтилаётган натижалар ва 2026 йил учун мўлжалланган асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар муҳокама қилинди.

Жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида иқтисодиётимиз прогноздан анча юқори суръатда — 7,6 фоизга ўсди. Саноат ҳажми 6,8 фоиз, қурилиш — 14,2 фоиз, хизматлар — 14 фоиз, қишлоқ хўжалиги — 4,1 фоизга ошди.

Олтин-валюта захиралари ўтган йилга нисбатан 35 фоизга кўпайиб, 55 миллиард долларга етди. Нуфузли халқаро рейтинг агентликлари мамлакатимиз иқтисодий истиқболларини юқори баҳоламоқда. “Fitch Ratings” илк бор мамлакатимиз суверен рейтингини бир поғонага оширган бўлса, “Moody’s” ва “S&P Global” ўз қўтиласини “барқарор”дан “ижобий”га ўзгартирди.

— Энг муҳими, эришилган натижалар аҳоли фаровонлигини оширишга хизмат қиляпти, — деди давлатимиз раҳбари.

Аҳоли даромадлари 18,4 фоизга, омонатлар 35,3 фоизга, ўртача иш ҳақи эса 19,2 фоизга ўсди. Сўровлар аҳоли ва бизнес ўртасида ишонч муҳити кучайганини, янги иш ўринлари ва даромад манбалари кенгаётганини кўрсатмоқда.

Президент юқори ўсиш суръатларини йил якунигача сақлаб қолиб, ялпи ички маҳсулот ҳажмини 135 миллиард доллардан ошириш иқтисодий комплекснинг асосий вазифаси бўлишини қайд этди.

Танқидий руҳда ўтган йиғилишда келгуси йил учун асосий режалар кўриб чиқилди.

Мутасаддилар 2026 йилда ўсиш суръатини 6,6 фоиз даражасида таъминлаб, ялпи ички маҳсулот ҳажмини 150 миллиард доллардан ошириш, иқтисодиётга барча манбалардан камида 400 триллион сўм йўналтириш, инфляцияни 7 фоиздан ортқ бўлмаган даражада сақлаб қолиш прогноз қилингани юзасидан ахборот берди.

Президентимиз бу режаларга эришиш учун барча имконият ва шароит мавжудлигини таъкидлаб, ҳар бир вазирлик, тармоқ

ва ҳудуд раҳбарлари жиддий эътибор қаратиши зарур бўлган муҳим масалаларни кўрсатиб ўтди.

2026 йилги бюджет лойиҳасида асосий солиқ ставкалари ўзгаришсиз қолаётган шароитда бюджет даромадларини изчиллик билан ошириб бориш, шу билан бирга, харажатлар қисмининг самарали сарфланиши устидан қатъий назорат ўрнатиш шартлиги қайд этилди.

Таъкидланганидек, келгуси йилда харажатларни кескин қисқартириш ва самардорлиқни ошириш барча даражадаги раҳбарлар учун асосий мезон бўлади.

Бунда стратегик тармоқларда таннархни камайтириш ва рақобатбардошлиқни ошириш, хусусий сектор иштирокини кенгайтириш, давлат иштирокидаги корхоналарнинг дивиденд сиёсатини тартибга солиш, субсидия ва имтиёзларнинг натижадорлигини таҳлил этиб, самараси паст бўлганларини бекор қилиш, яширин иқтисодиёт улушини қисқартириш, туман ва шаҳар бюджетларининг даромадларини кўпайтириш борасидаги ишларнинг самардорлигини ошириш юзасидан аниқ вазифалар белгилаб берилди.

Халқаро молия ташкилотлари маблаглари иштирокидаги лойиҳаларни жадаллаштириш, бундан бўён мавжуд лойиҳаларни охирига етказибгина янги лойиҳаларга ресурс жалб қилиш тизимига ўтиш зарурлиги қайд этилди.

Вазирлик ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармаларида тўпланган қолдиқнинг ярмини алоҳида жамғармага ўтказиш ва ушбу маблагларни мактаблар қурилишига ва тиббиётга йўналтириш тўлиштирилди.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалардан келиб чиқиб, 2026 йилги Давлат бюджети лойиҳасининг асосий йўналишлари белгилаб олинди.

ЎЗА

Халқаро форум

БИРДАМЛИК ВА ТИНЧЛИК САРИ ҚАТЪИЙ ҚАДАМ

Шундай воқеалар бўлади: улар халқларнинг ўзаро бирдамлиги, меҳроқибати ва дўстликка садоқатини мустаҳкамлайди. Жорий йил 15-16 октябрь кунлари Фарғона шаҳрида бўлиб ўтган “Фарғона водийси: тинчлик ва тараққиёт йўлида бирдамлик” мавзусидаги форум ана шундай муҳим воқеалар қаторига киради.

Бу анжуман минтақада, қолаверса, глобал миқёсда ҳам тинчликни таъминлаш, яхши қўшничилик алоқаларини давом эттириш, барқарор тараққиётни жадаллаштириш ва ўзаро ишончни мустаҳкамлаш сари қўйилган муҳим қадам бўлди. Тадбирда Марказий Осиё давлатлари, МДҲга аъзо мамлакатлар, Европа ва АҚШдан нуфузли делегатлар, халқаро ташкилотлар, фуқаролик жамияти вакиллари ҳамда ёш фаоллар иштирок этди.

➤ Давоми 3-бетда

Муносабат

СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ ФАҚАТ ТЕХНОЛОГИЯ ЭМАС, ТАРАҚҚИЁТ ФАЛСАФАСИДИР

Жаҳонда ахборот технологиялари тараққиёти шиддат билан кечаётган бир даврда сунъий интеллект мамлакатларнинг иқтисодий соҳахияти ва рақобатбардошлиги мезонига айланмоқда. Зеро, рақамли ечимлар, интеллектуал дастурлар ва маълумотлар таҳлили тизимини жорий этиш нафақат иқтисодиёт самардорлигини ошириш, балки давлат бошқаруви, таълим, соғлиқни сақлаш ва молия соҳаларида янги босқични бошлаш имконидир.

Давлатимиз раҳбари раислигида ҳудуд ва тармоқларда сунъий интеллект технологияларини ривожлантиришга бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишида бу соҳа миллий тараққиётнинг устувор йўналишларидан бири сифатида белгилаб

берилди. Ундан келиб чиқадиган вазифалар нафақат техник ёки технология сирлот, балки мамлакат тараққиётининг стратегик концепцияси сифатида ҳам муҳим аҳамият касб этади.

➤ Давоми 2-бетда

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН — УЛУҒВОР ҒОЯ! ИНСОНИЯТНИНГ АЗАЛИЙ ОРЗУСИ

Глобал тинчлик индекси (GPI) маълумотларига кўра, 2014 йилдан буён глобал тинчлик билан боғлиқ вазият ҳар йили ёмонлашмоқда. Сўнгги ўн йилда 100 та давлатда вазият кескинлашган. Ҳозир 59 та фаол можаро ўчоғи мавжуд бўлиб, бу Иккинчи жаҳон уруши тугаганидан бери энг йирик кўрсаткичдир. 2024 йилда можаролар билан боғлиқ 152 мингта ўлим ҳолати қайд этилган. Ҳозир дунё замонавий тарихдаги энг оғир гуманитар инқирозни бошдан кечирмоқда. 300 миллион одам ёрдамга муҳтож, мажбурий кўчирилганлар сони эса рекорд даражага — 123,2 миллион кишига етди. Бу рақам оддий статистика эмас, балки сайёра аҳолисининг ҳар 73 нафарига таъсир қилаётган мисли қўрилмаган даражадаги инсоний азоб-уқубатларни акс эттиради.



Буюк ўзбек йўли

Ташвишли жиҳати шундаки, очарчиликдан азият чекаётганларнинг 70 фоизи низоли ҳудудларда яшайди. Шундай хабарларни ўқиб, доно халқимизнинг содда, лекин чуқур мазмунга эга “Она юртинг омон бўлса, ранги рўйинг сомон бўлмас” деган мақоли ёдга тушади. Ўзбекистон тинчлик ва хавфсизлик бўйича 163 давлат орасида 60-ўринни эгаллади.

Давлатимиз раҳбари БМТнинг 80-саммитидаги нутқида ҳам қарама-қаршилик, низо ва урушлар кучаяётгани, технологик ва ижтимоий тенгсизлик ошаётгани, иқтисодий ва гуманитар инқирозлар ортиб бораётганини айтди. Бу янги, хавотирли геосиёсий воқеликни вужудга келтираётганини таъкидлади.

Халқимизнинг “Ён қўшнинг — жон қўшнинг” деган мақолида ҳаётини фалсафа бор. Биз бир муддат қўшниларида узоқлашдик. Азиятнинг эса халқ чекди. Чегаралар ортида қолган яқини, дўстини кўролмади, яхши кунда хурсанд, ёмонда дард-каш бўлолмади.

Ҳа, бу ўтмишда қолди. Давлатимиз раҳбари БМТ минбаридан саккиз йил муқаддам Марказий Осиёни тинчлик, яхши қўшничилик ва шериклик маконига айлантиришга қатъий қарор қилганини айтганди. Бу қарор амалга ошди, ваъда бажарилди. Президентимиз “Бугун чуқур мамнуният билан таъкидлаш мумкин: биз бу стратегик мақсадга эришдик. Ёпиқ чегаралар, ҳал этилмаган баҳс ва низолар даври тарихда қолди”, дея баралла айтди.

➤ Давоми 3-бетда

